

*Суриштирув органи ва суд томонидан иш материаллари тўлиқ текширилмаганлиги сабабли маъмурий иш қўшимча текшириш учун қайтарилди.*

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик тумани судининг 2008 йил 5 сентябрдаги қарори билан С.нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 166-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги тузилган маъмурий иш, шу кодекс 271-моддасининг 3-бандига асосан тугатилган.

Иш бўйича 2.016.050 сўмлик пардали матолар давлат эгалигига ўтказилган.

С.га нисбатан чиқарилган суд қарори юқори инстанция судлари томонидан ўзгаришсиз қолдирилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 269-моддасида, ҳар бир ишнинг ҳолати ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқилиши шартлиги белгиланган.

Шу кодекснинг 20-моддасида ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтда ақли норасо бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касалликка чалингани, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Иш бўйича ушбу қонун талабларига риоя қилинмаган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши материалларидан кўринишича, Самарқанд вилояти психоневрологик диспансери томонидан С. 1998 йилдан буён шизофрения касаллигига чалинганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинган.

Аммо суриштирув органи С. маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда ақли норасо бўлган-бўлмаганлигини суд психиатрия экспертизаси тайинлаш йўли билан текширмаган.

Суд эса суриштирув органи томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ўрнига С.нинг ғайриқонуний ҳаракатни содир этган вақтда ақли норасолик ҳолатида бўлган-бўлмаганлигини аниқламасдан етарли асосларсиз С.нинг ақли норасолиги сабабли ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган.

Кассация ва назорат инстанцияси судлари иш бўйича йўл қўйилган хатога эътибор бермаган.

Шу сабабли Олий суд томонидан 2009 йил 31 мартда С.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, маъмурий иш қўшимча суриштирув ўтказиш учун юборилди.

***Назорат иши ЖСХ-41-09***